БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 210 (3711)
15 СЕНТЯБРЬ 1978 й. ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугун «Старт» стадионида тантанали равишда XV шаҳар спартакиадаси очилди

- Мусобақаларда турли ёшдаги спортчилар ва физкультурачилар қатнашади
- Спартакиада оммавий физкультура-спорт ишларининг чинакам кўриги бўлади
- Шаҳримизнинг энг яхши спорт базалари спортчилар ихтиёрида

АССАЛОМ, СПАРТАКИАДА ҚАТНАШЧИЛАРИ!

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

АҲДГА ЯРАША

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинати 25-қурилиш бошқармасининг коммунист А. Қувонов раҳбарлик қилаётган бригадаси аъзолари Охунбобоев майдонида қад кўтараётган тўққиз қаватли турар жой биносини муддатидан олдин битказиш учун жадаллик билан ишлашяпти. О. Толипов, З. Отаева, К. Абдуллаев, Т. Залевская каби меҳнатсеварлар объектни сайқаллашни тезкорлик билан амалга оширишмоқда.

Бригада йил бошидан буён 5 та турар жой биноси қурилишида пардоз ишларини бажарди. Коллектив аъзолари СССР Конституцияси қабул қилинган кунга қадар беш йилликнинг уч йили топшириғини адо этиш иштиёқидалар.

М. МАМАШАРИПОВ.

ТОШКЕНТ ГАЗ АППАРАТЛАРИ ЗАВОДИ. Ҳар куни заводнинг йиғув цехи конвейеридан кўплаб газ плиталари тушириб олинмоқда. Газ плитачилар ўз маҳсулотини оталиқдаги хўжаликка ҳам жўнатишяпти.

СУРАТДА: йиғув цехининг пешқадам слесарлари, ота-бола Юрий (чапда) ва Николай Мордвиновлар янги ПГ—2 газ плитасини кўздан кечиришмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкентда қурилишда меҳнатни илмий ташкил этишга бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси иш бошлади. Конференцияда СССР Қурилиш министрлиги, СССР ва Ўзбекистон ССР Госстройи, қурилиш индустрияси меҳнатни илмий ташкил қилиш марказий ва республика правлениелари ва бошқа министрлик ҳамда муассасаларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Қурилишда самарадорликни ошириш бўйича КПСС XXV съезди илгари сурилган вазифаларни ҳал қилишда меҳнатни илмий ташкил этишнинг роли ва аҳамиятига оид масалалар конференция қатнашчиларининг диққат марказида бўлади.

◆

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчиларидан яна бир группаси меҳнат отпускасидан қайтиб келишди. Улар хушманзара Иссиққўл соҳилларида ва Чимёндаги дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб қайтишди.

Бирлашманинг юздан ортиқ ишчиси бу йил меҳнат отпускаларини мамлакатимизнинг марказий курортлари ва шифохоналарида ўтказдилар. Ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари ва фаол жамоатчиларга текин путёвкалар берилди.

◆

Пойтахтимизнинг икки юзга яқин ёш олими Самарқандга жўнаб кетди. Улар ёш олимлар ва мутахассисларнинг «Техника, ижтимоий ва табиат фанларининг долзарб проблемалари» мавзуида ўтказиладиган республика конференциясида қатнашадилар.

Конференция ўз ишини тугатгач, ёш олимларнинг катта группаси Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРга йўл оладилар. Улар саноат корхоналарининг ишчилари ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишланган лекциялар ўқишади.

Бугун

Ўзбекистон Театр жамияти биносида Болгария Халқ Республикасига бағишланган кеча ўтказилади. Кечага таклиф этилган шаҳар жамоатчилигининг вакиллари дўст мамлакатнинг маданий ҳаёти ва санъати ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма билан танишадилар. Болгарияга бориб келган республикамиз маданияти ходимлари ўзларининг сафар таассуротларини сўзлаб берадилар.

Ўзбекистон Давлат филармонияси артистлари кеча қатнашчилари учун қизиқарли концерт программаси тайёрладилар.

◆

Ц-1 Б кварталида қад кўтарган янги беш қаватли 105 квартирали турар жой биносида қурилиш ишлари тугалланди. Уйни 159-трест 22-қурилиш бошқармасининг Никос Мигулис бошчилигидаги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси қурди. Комплекс бригада трестнинг пешқадам коллективларидан бири. Биринчи Май кўчасида яқинда қад кўтарган тўққиз қаватли уйлар, савдо комплекси, Успенский номли музика мактабининг янги биноси, Жуковский кўчасидаги 1568 ўринли 64-мактабнинг комплекс бинолари ана шу қурувчилар иштирокида бунёд этилган.

Янги объектни барпо қилишда дурадгор Иван Федорин, ғишт терувчилардан Миртоҳир Зоҳидов, Анна Макарова, бетончи Раҳбар Пўлатов ва пайвандчи Олег Мансуров айниқса, яхши ишладилар.

Эртага

Ленин райони аҳолиси ва турар жой бошқармаси ходимларидан 2000 дан ортиқ киши район территориясини ободонлаштиришда қатнашади. Шаҳримиз территориясини ободонлаштириш ойлигида актив қатнашаётган ана шу район меҳнаткашлари ирригация тармоқларини тозалашади, дарахтларга шакл беришади, янги хиёбонлар барпо этишади. Жумладан, «Қўйлиқ-3» ва «Қўйлиқ-4» массивларида, Кафанов ва Новый путь кўчаларида янги хиёбонлар пайдо бўлади. 6000 метр узунликдаги ариқлар тартибга келтирилади.

Шаҳримизнинг бошқа районларида ҳам минглаб меҳнаткашлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида қатнашадилар.

МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

Каноп фабрикаси коллективи беш йилликнинг учинчи йилида зарбдорона меҳнат қилиб, йил давомида қишлоқ меҳнаткашларига 22.4 миллион квадрат метр газлама, 750 тонна арқон тайёрлаб, жўнатиш учун курашмоқда.

Корхонада саккиз ойлик план-топшириқ ошириб бажарилди. Пландан ташқари 120 минг квадрат метрдан зиёд каноп ёйма-газламаси ишлаб чиқарилди.

Ҳозирда корхонада беш хил маҳсулот тайёрланмоқда. Пахтакорлар, чорвадорлар оғирини енгил қилиш учун тайёрланаётган бу буюмларнинг сифатига алоҳида эътибор беріляпти.

Фабрикада СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига мусобақа кенг қулоч ёймоқда. 60 нафар йигирувчи-тўқувчи шонли санага қадар уч йиллик топшириқни бажариш ниятида тер тўкяпти.

Нодира Жўраева, Любовь Ломакина, Надежда Собирова каби тўқувчилар мусобақада пешқадамлик қилишиб, кунлик топшириқларини 110—115 процент бажармоқдалар.

ЁТОҚХОНА ТИКЛАНЯПТИ

«Главташкентстрой» 4-трести 19-қурилиш бошқармасидаги Николай Кубанцев етакчилик қилаётган комплекс бригада Невский кўчасида 400 ўринли ётоқхона биносини тикламоқда. Бу пешқадам коллектив трестда биринчилардан бўлиб СССР янги Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигига қадар уч йиллик топшириқни бажариш ҳақидаги ташаббусга қўшилган эди. Қурувчилар ўз сўзларининг устидан чиқишмоқда. Улар кунлик топшириқни 25—30 процент ошириб бажаришга эришиш билан бирга кўплаб қурилиш материалларини тежаб қолишга эришмоқдалар.

Ҳозир бригада бинонинг тўртинчи қаватидаги ишларни ниҳоясига етказяпти. Ўзаро беллашувда З. Музаффаров, С. Самечков, А. Ваҳобовлар пешқадамлик қилишяпти. Илғор коллектив бинони шу йилнинг ўзида фойдаланишга топшириш мақсадида бунёдкорлик суръатини авж олдирмоқда.

ВЕТЕРАН ПЕШҚАДАМ

Биноларнинг синчларини пайвандлаш қурилишдаги мураккаб жараёнлардан бири. Шунинг учун 4-қурилиш тресты 38-қурилиш бошқармасининг М. Муҳаррамов бошлиқ комплекс бригадасида бундай ишларни 5-разрядли пайвандчи Нурфаёз Сафин амалга оширади.

Қарийб ўн йилдирки Н. Сафин қурувчилик касбини ардоқлаб келяпти. Ўтган йиллар мобайнида у жуда кўплаб маданий-маиший, маъмурий ва уй-жой бинолари қурилишида иштирок этган. Ўз касб маҳоратини ўстириб боришга катта эътибор бераётган бу пайвандчи бошқарма бинокорлари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлар сафидан ўрин олмоқда.

Н. Сафин бошқарма коллективи аъзолари ичида биринчилардан бўлиб москваликларнинг СССР Конституцияси қабул қилинган кунга қадар беш йилликнинг уч йили планини бажариш ҳақидаги ташаббусига қўшилган. Шу кунларда у октябрь ойининг сўнгги кунлари ҳисобига меҳнат қилмоқда.

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

«Узгипротехбит» лойиҳалаш институти ва республика Госстройи юмшоқ ёғоч навларини арралаш, сақлаш ва ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар. Шунингдек, шаҳримиз қурилишларида ишлатиладиган ёғочларни қуритиш юзасидан регламентация тайёрланди. Янгиликларнинг автори «Узгипротехбит» лойиҳалаш институтининг катта эксперти А. П. Цукеркандель бўлиб, у ушбу тавсияларни ишлаб чиқишда фан ва техниканинг ёғочни қайта ишлаш бўйича энг янги ютуқларидан фойдаланди. Қурилиш нормативлари, давлат стандартлари ва техник шартлар бўйича кўпгина ҳужжатларни ўрганди. Тавсиялар республика Госстройи томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланди ва фойдаланиш учун таклиф этилди.

Янгиликнинг қўлланиши натижасида ёғоч материалларини тежаш, қурилиш ишлари сифатини ошириш мумкин бўлади.

«Геологоразведка» заводи коллективи республикамиздаги ва мамлакатимиздаги кўпгина корхоналар ва ташкилотлар учун кўплаб маҳсулот тайёрлаб бермоқда. Ушбу суратда коллективнинг ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган илғор токарь, коммунистик меҳнат зарбдори Саъдулла Маҳсумовни кўриб турибсиз. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган.

М. Нуриддинов фотолари.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Сергели район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. КПСС XXV съезди талаблари ва Тошкент шаҳар партия комитетининг шу хусусдаги қарори юзасидан райондаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида район партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Стешенко доклад қилди.

Пленум ташкилий масалани ҳам қараб чиқди. Ю. В. Лемжин ўқишга юборилиши муносабати билан район партия комитети бюроси аъзоси ва секретари вазифаларидан озод қилинди. А. Х. Асқаров район партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди.

• Беш йиллик вахтасида

Нормадан ошириб

КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этиб, 1978 йил план ва топшириқларини тўла ошириб бажараётган тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг оқартириш цехи ишчилари партиямизнинг Мактубига жавобан зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Цех коллективининг, қолаверса тажрибали ишчилар М. Сафаргараева, О. Қорасева, М. Шапошникова, К. Безюковаларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ҳар бир ойда юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиляпти. Жумладан, иккинчи кварталда пландаги 57354 метр ўрнига 65588 метр газламага пардоз берилди.

Цехда меҳнат қилаётган 70 нафар ишчининг 16 таси коммунист, 28 таси эса комсомол-ёшлардан иборат. Улар бир сменада нормадаги 880 бўлак газлама ўрнига 920—930 бўлак «Райҳон», мальмаль, «Ягодка», «Анҳор» каби ўнга яқин газламаларни сифатли ювиб, топшириқларини ошиғи билан бажаряптилар.

Р. АСЛОНОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен дўстона норасмий визит билан кеча Костомукшага (Карелия АССР) келди. Совет — Финляндия чегарасида уни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

А. Н. Косигин билан У. К. Кекконен Финляндия фирмаларининг иштирокида барпо этилаётган Костомукша кон саралаш комбинати бош корпуси пойдеворига тош қўйиш тантанали маросимида иштирок этдилар. Бош корпус қад кўтарадиган майдонда ана шу тантанали воқеага бағишланган митинг бўлиб ўтди.

● Космик фазони ва Қуёш системаси планеталарини тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, 1978 йил 14 сентябрь куни Совет Иттифоқида «Венера-12» планеталараро автомат станцияси учирилди.

Конституцияга бағишлаб

«СССРнинг янги Конституцияси — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни». Каноп фабрикасининг клубида бўлиб ўтган Ленин район Совети депутатлари йиғилишида иқтисод фанлари доктори, Тошкент транспорт инженерлари институти профессори Э. С. Севликянц доклад қилди.

Шундан кейин Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида» қабул қилган қарорининг гражданлар томонидан бажарилишида депутатларнинг иштироки тўғрисида район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ж. Ю. Мақсудов сўзлади.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҒАМХЎРЛИК— АСОСИЙ МАСАЛА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари муносабати билан республика аҳолисига медицина ёрдамини такомиллаштириш масалаларига бағишланиб 14 сентябрь куни Тошкентда соғлиқни сақлаш ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг ходимлари, медицина муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, министрликлар ва идораларнинг, йирик корхоналарнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри Қ. С. Зоиров доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Самарқанддаги 1-поликлиниканинг участка врачи М. Х. Шарафутдинова, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, Тошкент медицина институтининг ректори Ў. О. Орипов, Қашқадарё область болалар касалхонасининг бош врачи Г. А. Пўлатова, Бухоро шаҳридаги поликлиниканинг участка болалар врачи В. И. Тараненко, Фарғона область ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. А. Эгамбердиева, Андижон медицина институтининг ректори Ю. О. Отабеков қатнашдилар.

Докладчи ва нотиқлар шуни таъкидладиларки, КПСС XXV съезди қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежнев докладлари ҳамда нутқларида баён этилган вазифаларни амалга ошириш натижасида республикада соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинди. Кейинги йилларда медицина муассасалари тармоғи анча кенгайди. Йирик касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар ишга туширилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари йириклаштирилди, медицина ёрдамини ихтисослаштириш ривожлантирилмоқда, бу эса врач кадрлардан, медицина техникасидан янада оқилона ва самарали фойдаланиш, замонавий медицина фани ютуқларини соғлиқни сақлаш практикасига тезроқ жорий этиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга аҳолига медицина хизматини такомиллаштириш учун ҳамма имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Халқ соғлиғини сақлашнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, диагностика ва даволаш ишининг сифатини ошириш зарур, қишлоқ врачлик амбулаториялари тармоғини кенгайтириш, қишлоқ даволаш муассасаларини малакали врач кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш, аёллар ва болаларга даволаш-профилактика ёрдамини яхшилаш, айниқса қишлоқ жойларда санитария маданияти даражасини янада баланд кўтариш лозим.

СССР соғлиқни сақлаш министри академик Б. В. Петровский ўз нутқида аҳолига медицина хизматини янада такомиллаштириш, меҳнаткашлар сиҳат-саломатлигини сақлаш соҳасидаги бутун ишнинг самарадорлигини ошириш вазифаларига тўхталиб ўтди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Л. В. Салмин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Ҳунар-техника таълими системаси инженер ва педагог кадрлари малакасини ошириш Бутуниттифоқ институтининг Тошкент филиалида тингловчиларнинг навбатдаги машғулотлари бошланди. Юздан ортиқ педагог, ишлаб чиқариш таълими мастерлари ўзларининг инженерлик ва педагогик маҳоратларини ошириш мақсадида парталарга ўтиришди. Улар КПСС ташқи сиёсатининг актуал проблемалари, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари билан танишадилар, ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишни йўлга қўйиш методикаси, иқтисод, педагогика, психология масалаларини ўрганадилар.

Амалий машғулотлар 5, 9, 63-ҳунар-техника билим юртларида ўтказилади. Тингловчилар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкаси ва Халқлар дўстлиги музейида бўладилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАРШАВА. Шчецин яқинида янги дарё порти фойдаланиш учун топширилди. Унинг причалларига ҳар бирининг ҳажми 500 тоннага борадиган 4 баржа айни бир вақтда келиб тўхташи мумкин. Порт юк ортиш-тушириш ишлари вақтини анча қисқартириш имконини берадиган серунум машина-механизмлар билан таъминланган.

◆ РИМ. Италия портчилари беш йил муқаддам Чилида амалга оширилган фашистлар тўнтаришига қарши норозилик билдириб, Чили байроғи тикилган барча кемаларни бойкот қилдилар.

◆ МАДРИД. Испанияда коллектив меҳнат шартномаларини тузишнинг навбатдаги босқичи яқинлашганлиги туфайли стачка кураши кучайиб бормоқда. Ёғочсозлик саноатининг Галисияда жойлашган 140 корхонаси ишчи ва хизматчиларидан тўрт мингдан кўпроқ киши корхона эгаларининг шартномаларни қайта кўриб чиқиш юзасидан музокаралар олиб боришга киришишдан бўйин товлаганликларига қарши норозилик билдириб, ишга чиқишдан бош тортишди. Уэльва вилоятида шаҳар транспорти ҳайдовчиларининг умумий забастовкаси давом этмоқда. Бу ерда полициячилар ҳайдовчиларнинг ўрнини эгаллашди. Мадрид тўқимачилари, Хихон новвойхоналарининг ишчилари, Малага транспортчилари иш ташламоқдалар.

◆ ОТТАВА. Канададаги энг йирик Торонто шаҳрининг аҳолиси ишга велосипедларда, йўлда учрайдиган автомобилларда ёки пиёда боришга мажбур бўлди. Автобус, трамвай ва метро поездларининг ҳайдовчилари забастовка эълон қилдилар. Улар нарх-навонинг ошганлиги сабабли иш ҳақини кўпайтиришни талаб қилмоқдалар.

◆ МЕХИКО. Мексикада саводсизликни тугатишнинг кенг программаси амалга оширила бошланди. Шу программанинг биринчи босқичида савод ўргатиш беш ойлик курсларига 600 минг киши жалб этилади. Келгуси йилнинг февраль ойидан июнь ойигача давом этадиган иккинчи босқичда ана шундай курсларда яна ўшанча катта ёшдаги кишилар таълим олади. Уз вақтида бошланғич мактабни тамомламаган катта ёшдаги мексикаликлардан 400 минг киши айни бир вақтда шу йилнинг ўзида бошланғич таълимнинг қисқа курсини ўтади.

Маориф министрлигининг маълумотларига кўра, 15 ёшдан катта бўлган мексикаликлардан 7 миллион киши саводсиз ва 13 миллион киши бошланғич мактабни ҳали тамомлагани йўқ.

◆ ЛУАНДА. МПЛА меҳнат партиясининг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Агостиньо Нето бу ерда сўзлаган нутқида бундай деди: Совет Иттифоқи, Куба ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳеч қандай сиёсий ва идеологик шартларни ўртага қўймай, бизга доимо ҳар томонлама дўстона ёрдам ва мадад бериб келдилар ва бермоқдалар.

Дўст мамлакатлардан биз олаётган ҳарбий ва иқтисодий ёрдам, деди А. Нето, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва территориал бутунлигини гарантиялаш лозим.

(ТАСС).

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

ЯНГИ ХИЁБОНЛАР

Шаҳримизда бошланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигига Сергели район меҳнаткашлари ҳам актив киришишди. Ўтган шанба ва якшанба кунлари бу ерда бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида 141 ва 12-автобазадан 20 та машина ёрдамга чиқиб, 10 мингга яқин ҳашарчилар кўча ва хиёбонларни чиқиндилардан тозалашди. Улар ёрдамида Тошкент—Сергели, Чоштепа кўчаларидаги дарахтлар таги оқланди. 150 тонна чиқинди шаҳар чеккасига чиқариб ташланди.

Бу сафарги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида район ободончилари 28 минг сўмлик кўчат ўтқазишади. Улар ҳашарчилар ёрдамида Сергелининг саноат зонасида, Чоштепа кўчасида ва Халқа йўлида икки ярим гектар майдонни ишғол қиладиган хиёбон барпо қилишади.

БУГУН

ана шу хиёбонни бунёд этиш учун бу ерга 5 та механизм келди. Улар ёрдамида майдонлар текисланиб кўчат ўтқазиш учун тайёр қилинади.

В. Содиқов ўн беш йилдан бери Тошкент экскаватор заводида баракали меҳнат қилиб келади. У етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этиб келяпти. Коллективнинг кўпчилиги комсомол-ёшлардан иборат. Улар айни кунларда комсомолнинг 60 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи В. Содиқов бригаданинг ёш ишчиси билан.

Х. Мирзакаримов фотоси.

● *Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз*

ҚИЗИҚАРЛИ МАВЗУДА

Меҳнаткашларни пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашда Октябрь районининг «Билим» жамияти аъзолари, сиёсий докладчилари, ахборотчи, агитатор ва лекторлари қизиқарли мавзуда лекция ва суҳбатлар уюштиришмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида 1,5 мингдан зиёд лекция ва суҳбат ўтказилди.

Районда ташкил этилган 27 та халқ университети, 19 та лекторий машғулотларида ҳам пролетар интернационализми мавзуси кенг ўрин олган.

Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашда тематик кечалар, назарий ва амалий конференциялар ўтказиш ҳам яхши самара бермоқда. Районда иттифоқдош республикаларга бағишланган дўстлик декадалари ўтказиш ҳам анъанага айланган. Бунда ўқувчилар, студентлар қардош республикалар ҳаёти билан яқиндан танишадилар.

«Янги шаҳар» маҳалласини интернационал маҳалла дейишади. Бу ерда 19 миллат вакиллари аҳил яшашади. Маҳаллада дўстлик кечалари тез-тез уюштириб турилади. «Халқлар дўстлиги» лекторийси мунтазам ишлаб турибди.

Районда интернационал дўстлик клублари ёшларни ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш борасида ибратли иш қилишмоқда. Ҳозир 30 дан зиёд ана шундай клублар ишлаб турибди. Райондаги 19, 59, 189-мактабларда ташкил этилган интернационал дўстлик клуби аъзолари Вьетнам Социалистик Республикаси, Польша, Германия Демократик Республикаси, Болгария, Ҳиндистон каби мамлакатлар ёшлари билан дўстлик алоқалар ўрнатишган. Улар чет элдаги тенгдошлари ҳаётини қизиқиб ўрганишмоқда. «СССР халқлари дўстлиги бузилмасдир», «Дўстликни эъзозлаймиз!», «Дўстлик — қудратли куч» каби мавзуларда ранг-баранг кечалар, дўстлик учрашувлари уюштирилмоқда.

Районда идеология ишининг муҳим соҳаси бўлган меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган конкрет иш планлари белгилаб олинган. Идеология ишининг самарадорлигини ошириш учун бутун тарбия ишини комплекс тарзда, яъни меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб борилмоқда.

Районнинг кўплаб саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, олий ўқув юртлари, маҳаллалари, қўйингчи, қайси бир соҳасини олманг, бу ерда дўстлик, кардошликнинг ёрқин тимсолини кўришингиз мумкин.

Ш. ШОАЛИМОВ,

И. ИСМОИЛОВ.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар

▲ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ТИМСОЛИ

▲ САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ АСОСИДА

▲ ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

▲ АҲОЛИ НЕГА РАНЖИМОҚДА?

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ

ХАЛҚ депутатлари Собир Раҳимов район Советида ўн тўртта доимий комиссия иш олиб бормоқда. Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш комиссияси шулардан биридир. Бу комиссия КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда, район хўжалигини ривожлантиришда ижроия комитетга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Комиссия район аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш бўлими билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб борар экан, ўз фаолиятида халқ депутатлари Советларидаги доимий комиссиялар иши тўғрисида Низомга риоя қилмоқда. Комиссия составн 11 халқ депутатидан иборат бўлиб, улар комиссия ишида фаол қатнашмоқдалар ва ўз бурчларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Комиссия мажлисларида КПСС XXV съезди қарорлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг ишлари, уларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги каби масалалар муҳокама этилди. Масалан, ўтган йили шундай мажлислардан 11 таси, шу йил бошидан буён 8 таси ўтказилди. Бу мажлисларда Ленин номли якка буюртмалар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Илғор» бирлашмаси, мебель ремонти комбинати, 5-ҳаммом-кир ювиш комбинати, «Техсложбитприбор» бирлашмаси, «Сервис» фирмаси каби аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишларини қайд этиш билан бир қаторда, уларда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам таъкидлаб ўтилди, уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Доимий комиссия аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг у ёки бу масаласи юзасидан текширув ўтказар экан, аввало бунда ишни яхшилаш юзасидан аҳоли томонидан тушган таклиф ва наказларга алоҳида эътибор беради. Ҳозирги пайтда районда 150 га яқин маиший хизмат кўрсатиш объекти ҳамда 7 та маиший хизмат кўрсатиш уйи мавжуд. Объектлар сони ортиб бориши билан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 1977 йилдагига нисбатан бу йил 403 минг сўмга кўпайди. Шу йилнинг биринчи ярми учун белгиланган маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бирмунча ортиғи билан адо этилди.

Ютуқлар билан бир қаторда район аҳолисига маиший хизмат кўрсатишда ҳамон камчиликлар мавжудлигини тан олмасдан бўлмайди. Айниқса прокатга буюмлар бериш иши аҳолини қониқтирмаяпти. Райондаги барча саноат корхоналарида маиший хизмат кўрсатиш ташкил этилмаган. Транспортдан фойдаланиш агентлиги иши ҳам ҳозирги талабга жавоб бера олмайди. Ижроия комитет томонидан ажратиб берилган бинолардан етарли даражада фойдаланилмайди. Янгидан қурилиб, фойдаланишга топшириладиган объектлар пайсалга солиб келинмоқда.

Масалан, райониинг Кочубей кўчасида 6-қурилиш тресте қурувчилари томонидан бунёд этилаётган «Маиший хизмат кўрсатиш уйи» ўтган йили тўрт кварталда фойдаланишга топширилиши керак эди. У шу йилнинг биринчи кварталига кўчирилди. Афсуски, бугунги кунгача буюртмачи ташкилот янги бинога ускуналар етказиб бериш масаласини ҳал этгани йўқ. Шу сабабли бинони фойдаланишга топшириш иккинчи кварталга кўчирилди. Лекин ҳамон чалалигича турибди.

Янгидан бунёд этилаётган Чимбой, Олимпия, Медиклар шаҳарчаси, 2-Қорақамиш массивининг 4 ва 5-микрорайонларида, Студентлар шаҳарчасида маиший хизмат кўрсатиш объектлари, сартарошхона, химчистка, рўзғор буюмларини ремонт қиладиган объектлар етишмайди.

Доимий комиссия юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгилади. Прокатга бериладиган буюмлар шаҳар аҳолиси талаб ва эҳтиёжини таъминлашга; саноат корхоналари ва студентлар ётоқхоналарида қўшимча маиший хизмат кўрсатиш хоналари ташкил этиш, аҳолига автотранспорт хизматини кенг йўлга қўйиш, Кочубей кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйини шу йил 7 ноябргача фойдаланишга топширишга эришиш, аҳолига химчистка, рўзғор техникалари ремонти, сартарошхона, кир ювиш комбинатлари хизматларини яхшилашга эришиш шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қайд этиб ўтилган тадбирларни тезроқ амалга ошириш район маиший хизмат кўрсатиш бўлими раҳбарларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Д. НЕК,

Собир Раҳимов район Совети аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссияси раиси.

●Оддий кишиларимиз

МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қишлоқ хўжалиги машиналари қаторлаштирилиб қўйилган жойига яқинлашувингиз билан анвои гулларнинг муаттар ҳиди димоғингизга урилади. Шу онда ўрта бўйли, миқтидан келган отахон, гулчи-агроном сизни ҳурмат билан кутиб олади. Бу киши айни шу кунларда виставка коллективи ва унинг катта оила аъзолари 70 ёшга тўлганлигини нишонлаётган Ориф ота Ғуломовдир.

Республикамизда пионер ташкилоти тузилгач, унинг сафига биринчилардан бири бўлиб кирган ва 1924 йилда Ленин комсомоли аъзоси бўлиб, ўша оловли дамларда ўз фаолиятини ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишлаган отахонни комсомол ташкилоти қаерга юбормасин, у ўз бурчини сидқидилдан адо этди. Саводсизликка қарши кураш кезларида, айниқса, Тошкент, Хоразм областида колхоз тузилиши ишларида фаол қатнашди.

Ориф ота меҳнат фаолиятининг кўп даврини Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида ўтказиб, халқ хўжалигининг бу муҳим соҳаси учун етук кадрлар тайёрлашдек шарафли ишга муносиб ҳиссасини қўшди. У Тошкент шаҳар, область халқ маорифи бўлимларининг мудири лавозимларида ишлаб, халқ маорифи тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Коммунист Ориф Ғуломович Ғуломов Улуғ Ватан урушида иштирок этиб, Тошкентга қайтгач, яна турли соҳаларда ишлади. У кексалигига қарамай, кўп вақтини жамоатчилик асосида муҳим ишларга сарф этади. Ўзи истиқомат қилиб турган 1-Кисловодск маҳалла комитети аъзоси сифатида ободончилик, санитария-гигиена ва бошқа соҳаларда фаол қатнашиб, аҳоли ҳурматига сазовор бўлаётган отахондир.

Беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказган, бир неча набиралар бағрида фаровонлик нашъасини тотаётган, етмиш баҳорининг эллик йилини умр йўлдоши Муҳайёхон Ғуломова билан тотли, осуда ўтказган бу отахонимиз ва онахонимизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Г. ДАВЛАТОВА.

▲ ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЖОНКУЯР ЕТАКЧИ

Бежирим темирйўлчилар формасини кийган проводникларнинг йўловчиларга бўлган илиқ муносабатлари, вагондаги барча қулайликлар, сафар гашти, хуллас ҳаммаси бир бўлиб, кишида қандайдир илиқ ҳис-туйғулар уйғотади. Йўловчилар узоғини яқин қилаётган ана шу вагонларни яратиб бераётган кишилар борки, уларни ҳамма ҳам билавермайди. Темир йўллар бўйлаб шитоб билан қатнаб турган ана шу поезд вагонлари оддий ремонтчи-слесарларнинг қўлидан чиққан.

Константин Дергашев ҳам 24 йилдан бери 2-пассажир вагон депосида кишилар узоғини яқин қилиб, сафарда уй вазифасини ўтаётган вагонларнинг тормоз системасини ремонт қилиб келади. Бу кишидан ўта масъулиятни талаб қиладиган ишдир. К. Дергашев ўз сменасининг кўз-қулоғи. Ҳар бир болт, оддий винтларнинг қай даражада ўрнатилгани унинг эътиборидан четда қолмайди. Шунинг учун ҳамкасблари уни ҳақли равишда «Дергашев слесаргина эмас, балки вагон назоратчиси ҳамдир» дейишади. Чиндан ҳам бу гапда жон бор. Кўп ҳолларда вагон назоратчилари унинг тажрибасидан фойдаланишади. Уларнинг назаридан четда қолган айрим нуқсонлар бригада етакчисининг эътиборидан четда қолмайди. У бригадага янги келган ишчиларга доимо шундай дейди:

— Тормоз системасини ремонт қилиш жуда масъулиятли иш. Арзимаган винтнинг бўшаб қолиши ёки оддийгина шпилканинг қўйилмай қолиши кўнгилсизликка сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бирингиз бу ишни виждонан бажармоғингиз лозим.

К. Дергашев ўз касбининг устасигина бўлиб қолмай, ёшларнинг ҳам жонкуяр мураббийсидир. Ҳозир унинг шогирдлари ундан ошиб кетди. Мана чорак асрдирки, у вагонларни сифатли ремонт қилиб келади. Йўловчилар учун қулай, ихчам вагонлар тайёрлаб беришга катта ҳисса қўшиб келаётган Константин Дергашев ҳар сменада кўплаб вагонларга сифатли ишлов бериб, уларнинг тормоз системаси хавфсизлигини таъминлаб келяпти.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
ишчи.

Газетхон хабар беради

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Ўзбекистон театр жамияти ишлаб чиқариш комбинатининг коллективи асосий буюмлар ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари адо этди. Шундай қилиб, коллектив СССР Конституцияси шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятни шараф билан уддалади.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида комбинат меҳнат аҳли республикамиз театрлари, маданият уйлари ва санъат саройлари ҳамда бадиий ҳаваскорлик клубларининг кўплаб буюртмаларини муваффақиятли бажарди. Бундан ташқари корхона коллективи РСФСР, Қозоғистон, Туркманистон республикалари маданият ходимлари учун кўпгина миллий, саҳна кийимларини тайёрлаб берди.

Тикувчилар Л. Капленко, А. Бодина, Л. Умарова, пойафзалчилар Б. Лизин, А. Поронов, Т. Калантаров буюртмаларни тез ва соз бажариш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келишяпти. Эндиликда комбинат меҳнат аҳли йил охиригача 1976—1978 йиллар планига қўшимча 0.5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

С. ҲАСАНОВА.

...таклиф этади

КЎЧА ТЕКИС БЎЛСИН

Биз томонга метронинг «Пахтакор» станциясидан 116.автобус қатнайди. Биз автобус ҳайдовчиларидан ҳам, 3.автопаркнинг раҳбарларидан ҳам жуда хурсандмиз. Чунки транспортлар йўловчиларга ўз вақтида хизмат кўрсатади. Аммо Охунбобоев колхози идорасидан Шумилов станциясигача бўлган масофадаги кўчанинг ўнқир-чўнқирликлари жонга тегди. Мана бир неча йилдирки, атиги 200 метр бўлган йўлни тузатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Автобусга ўтирсангиз худди бешикда тебранаётган боладек чайқалиб келасиз. Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармаси арзимаган масофага асфальт ётқизса йўловчиларнинг дили равшан бўларди.

Шумилов станцияси аҳолиси номидан:

Т. СУЯРОВ.

...танқид қилади

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ КЕРАК

Юнусобод массивининг 4 «а» территориясида 86-мактаб жойлашган. Шу мактабнинг ёнида бўш майдонча бўлиб, бу майдончага ана шу ердаги аҳоли ва мактабдагилар чиқиндилар олиб чиқиб ташлашмоқда.

Мактаб маъмурияти чиқиндиларни кечки пайт ёқишади. Майдонча ён-атрофида истиқомат қилувчи аҳоли бундан жуда ранжимоқда.

Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтаётган айни кунларда Киров район ободонлаштириш бошқармасидагилар бундай чиқиндилар тўпланадиган майдончани обод қилиб унинг ён-атрофидаги кўчатларни парвариш қилишга аҳамият бериши, дарахт кўчатлари ўтқазиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Т. ТОЖИХОНОВ,
пенсионер.

БИЛИМЛАР — ОММАГА

Муҳим ва ишончли усулда

Республикамиз пойтахтининг халқ университетларида янги ўқув йили бошланишига оз вақт қолди. Улар эндиликда илгаридан анча кўп бўлиб, икки юздан ортиқдир. Бу университетлар фан ва техника, адабиёт ва санъат муваффақиятларини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнайди. Кенг оммани ғоявий-сиёсий, меҳнатсевар ва ахлоқан пок қилиб тарбиялашда ишончли форма ҳисобланади.

Янги ўқув йилида оммавий-сиёсий билимлар, совет турмуш тарзи, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларини ўрганиш, илмий атеизм, техника-иқтисодий билимларни пропаганда қилиш, интернационал тарбия ва бошқа соҳалар бўйича янги халқ университетлари иш бошлайди. Ана шу университетларга лектор сифатида малакали мутахассислар, таниқли кишилар, профессорлар, доцентлар, бирлашма ва корхоналарнинг директорлари ва бош инженерлари, шаҳар ва район ташкилотларининг раҳбарлари таклиф қилинади.

Шаҳарда лектор кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашнинг ягона системаси ташкил қилинган. Халқ университетлари ректоратлари ва ўқувчиларининг доимий ҳаракатдаги семинари ҳамда лекторлик маҳорати шаҳар университетига катта эътибор берилмоқда. Шаҳримизнинг бу соҳадаги тажрибаси Бутуниттифоқ «Билим» жамияти Президиумида юқори баҳога сазовор бўлди.

Йирик саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа корхоналарда техника тараққиёти ва иқтисодий билимлар халқ университетлари ўз машғулотларини бошлайди. Буларга цех бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, мастерлар ҳамда бошқа мутахассислар жалб этилади. Иқтисодий ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли масалаларига оид лекциялардан ташқари, корхоналарнинг илғор тажрибасини ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказиш белгиланган.

Барча районларда совет турмуш тарзи, илмий атеизм, СССР ва Ўзбекистон ССР Янги Конституцияларини ўрганиш бўйича халқ университетлари ташкил этилди. Улар партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг активистларига, маҳалла комитетлари ва ЖЕК-ларнинг бошлиқларига уларнинг кундалик фаолиятларида катта ёрдам кўрсатадилар, тингловчиларни янгича урф-одатлар билан таништирадилар.

Халқ университетлари бундан кейин ҳам билимларни пропаганда қилишнинг муҳим ва ишончли усули бўлиб қолади.

Т. МАҲСУДОВ,

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг масъул секретари.

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ БИЛАН

Пойтахтимиз қурувчилари сафида кўплаб ёшлар бор. Улар шу кунларда ВЛКСМнинг 60 йиллиги шарафига зарбдорларча меҳнат қилиб, иш суръатини оширяптилар. «Главташкентстрой»га қарашли 6-трестнинг 70-қурилиш бошқармасида Николай Мина етакчилигидаги комплекс бригада пешқадам коллектив ҳисобланади. Комсомол-ёшлар коллективи комсомолнинг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача уч йиллик планларини бажариш мажбуриятини олган. Беш йилликнинг ўтган икки йилу саккиз ойи мобайнида ёшлар 286.5 минг сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бу план — топшириқда белгиланганидан 10 минг сўмликдан ортиқ кўпдир.

БУГУН

комплекс бригада бунёдкорлари «Марказ — 17» кварталида бир турар жой биносидаги ишларни поёнига етказиб, иккинчи уйда ғишт териш ишларини бошлаб юбордилар.

Коллективнинг юқори кўрсаткичларга эришишида Ю. Курносов, А. Семёнов ва А. Йўлдошев каби ишчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти.

М. ХОЛОВА,
студент.

Тошкентдаги 81-ўрта мактабда биология фанини ўқитиш юқори савияда олиб борилади. Бу ердаги биология кабинетлари ранг-баранг стендлар, альбом ва бошқа кўргазмали материаллар билан жиҳозланган.

СУРАТДА: мактабнинг биология ўқитувчиси Абдулла Дўстматов тажриба ўрганиш учун шу мактабга келган бошқа мактаб ўқитувчилари билан методик суҳбат пайтида.

Р. Альбенов фотоси.

● РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

НОЧОР КЎПРИК

Собир Раҳимов районидаги Қорасув каналининг Набижон Ҳасанов кўчаси яқинидаги кўприк шу кунларда жуда ночор аҳволга келиб қолди. 1-Қорақамиш массивининг 4-микрорайони ва «Пахта» маҳалласи аҳолиси бу ердан ўтишда кўп қийналмоқда.

Қорасувнинг нариги бетида жойлашган 439, 442-болалар боғчасига фарзандларини олиб ўтувчилар айниқса «Оёғимиз тешикка тушиб бир кор-ҳол бўлмасин», деб юракларини ҳовучлаб ўтишади.

Бундан ташқари, Набижон Ҳасанов кўчасининг 15-уй атрофидан 27-трамвай йўли оралиғидаги қисмида ҳовлилардан чиққан ортиқча нарсалар ва чиқиндилар қалашиб ётибди. Бу эса маҳаллада антисанитария ҳолатини вужудга келтирмоқда.

Хўш, бундай аҳвол қачонгача давом этади? Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари бунга қачон эътибор беришади?

Аҳоли номидан:

М. ҲАКИМОВ,
хизматчи.

ГАЗЕТХОН БОНГ УРАДИ

СТАДИОНДАН МАҲРУМ ҚИЛИШДИ

Бундан бир неча йил муқаддам биз истиқомат қилаётган 10-турар жой конторасининг ҳовли командаси «Чарм тўп» клубининг футбол мусобақаларида қатнашиб келарди. Ўшанда биз педагог-ташкилотчи раҳбарлигида машқ қилардик. Машқни стадионда ўтказардик. Стадионнинг тоза тутилишини ҳам ўзимиз назорат қилиб турардик. Бу ерда бўладиган машқ ва мусобақаларда «Марказ-4» кварталида истиқомат қилаётган ўнлаб болалар иштирок этишарди.

Яқинда педагог-ташкилотчимиз ишдан бўшади. Биз тренерсиз қолдик. Бунинг устига биз машқ қилаётган футбол майдонида ёнғинга қарши курашувчилар жамиятининг стадиони барпо этилди. Шундай қилиб биз ўзимиз меҳр қўйган футбол билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлдик.

Бир неча марта стадион раҳбарларига учрашиб, бизга машқ қилиш учун рухсат беришларини илтимос қилдик. Аммо улар бизнинг илтимосимизни қондиришмади.

Бундан бир неча кун аввал стадион навбатчисидан бизни стадионга қўйиб юборишини илиниб-ёлвориб сўрадик. У бизни стадионга киритиб юборди. Аммо машқ бошлаганимизга 15 минутлар чамаси ўтгандан кейин, машққа келган стадион «хўжайинлари» бизни стадиондан ҳайдаб чиқаришди.

Ҳозир бўш вақтимизни қаерда ўтказишимиз, қаерда машқ қилишимизни билмай ҳайрон бўлиб юрибмиз.

О. ИНОЯТОВ, О. ХЎЖАЕВ, А. МИРЗАЕВ; жами 14 имзо.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. МУРОДОВА, В. НУРМАТОВА: Биз спортнинг волейбол турига жуда қизиқамиз. Айтингчи, волейбол бўйича маҳорат ошириш учун қаерга мурожаат қилсак бўлади? Умуман волейбол секцияларига 13—14 ёшли қизлар қабул қилинадими?

Жавоб: Шаҳримиздаги «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида волейбол секцияси ҳам ишлаб турибди. Сизлар шу секцияга қатнаб маҳорат оширишингиз мумкин. Жамият Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. У ерга метро орқали бориш қулай. Метронинг «СССР 50 йиллиги» бекатидан чиқсангиз тўғри жамият жойлашган бинога дуч келасиз. Ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича 77-06-47 телефонига қўнғироқ қилиб, аниқ маълумот ва справка олишингиз мумкин.

* * *

М. НОРМАТОВА: Ҳурматли редакция! Ўзим кўп болали Қаҳрамон онаман. Қизларимдан бири акробатикага жуда қизиқади. У ўқиётган мактабда акробатика билан шуғулланилмас экан. Иложи бўлса акробатика тўгараги қаерда борлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида акробатика тўгараги ҳам бор. Қизингиз шу ерга қатнаб, маҳорат оширса бўлади. Жамият Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган.

* * *

В. НАЗАРОВА: Шаҳримизда табиатни муҳофаза қиладиган жамият бор экан. Иложи бўлса ана шу жамиятнинг қаерга жойлашганлиги, унда қандай секциялар ишлаб турганлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими Карл Маркс кўчасидаги 36-уйда жойлашган. У 47-алоқа бўлимининг ёнгинасидадир. Бу бўлимда бир қанча секциялар ишлаб турибди. 33-98-34 рақамли телефонга қўнғироқ қилсангиз, ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маълумотга эга бўласиз.

* * *

М. ҒУЛОМОВА: Ўтган йили «Огонёк» журналининг адабий асарлар бўйича иловасига обуна бўлган эдим. Ҳозир Стендалнинг асарлар тўпламини олиб бўлдим. Айтингчи, 1979 йилда журнал обуначилари қайси ёзувчиларнинг асарларини олишлари мумкин.

Жавоб: 1979 йили «Огонёк» журнали иловаси сериясида Максим Горькийнинг 16 томлик асарлар тўплами, Н. Некрасовнинг 4 томлик, А. Фадеевнинг 4 томлик асарлар тўплами чиқарилади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Мен спиртли ичимлик истеъмол қилмаган эдим» — деди касаллик тўшагида ётган Бахтиёр Исамухамедов Давлат автоинспекцияси ходими билан бўлган суҳбатда. «Кўкрак қафаси эзилган, бир қобирғаси синган... Маст ҳолда» 1-йўл клиник шифохонаси хирургия бўлимининг даволовчи врачи томонидан берилган справкада эса шундай деб ёзилган.

Маст ҳолда, автомобилни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган Исамуҳамедов тунги соат бирда ВАЗ-21011 маркали 00—78 ТНУ автомобилини ҳайдаб кўчага олиб чиқади. У А. Ниёзов кўчасида кетаётганда автомобилни бошқара олмай, бетон симёғочга олиб бориб уради.

Исамуҳамедов кимни алдамоқчи бўлган экан? Албатта, ўзини.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
Мажбуриятлар изидан

Киров ва Собир Раҳимов районлари мусобақаси

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК

Мусобақадош Киров ва Собир Раҳимов районлари саноат корхоналари коллективлари ростовликлар ва янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббусини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Ўн иккита завод, фабрика, бирлашма, 200 га яқин цех, 420 та участка, мингдан ортиқ бригада ишчилари ана шу шиор остида меҳнат қилишиб, ўз сафларида бирорта ҳам қолоқ коллектив бўлмаслиги учун курашишга аҳд қилганлар.

Социалистик мусобақада туғилган бу ватанпарварлик ҳаракати меҳнат коллективларида юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликни юзага келтириш билан бирга, улар олдига кам маблағ сарфлаб, юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш, план интизомини қатъий бажаришни таъминлаш кооперация бўйича шартнома-мажбуриятларда қабул қилинган топшириқларни бажариш вазифаларини юклайди.

Буларнинг бажарилиши, албатта корхоналарнинг хўжалик-иқтисодий фаолиятлари даражасини белгилайди. Йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида районларда бирорта қолоқ корхона бўлмади, планни бажармаётган бригада, участка ва цехларнинг сони бир мунча қисқарди. Натижада, мамлакат халқ хўжалиги топшириққа қўшимча муҳим бўлган маҳсулот: 28 та сеялка, 55 та подбор терувчи агрегат, 48 та компрессор станцияси, шунингдек бир қанча приборсозлик, ёғочсозлик, мебель, тикув, кўн-галантерея ва полиграфия ҳамда бошқа буюмларни қабул қилиб олди. Пландан ташқари 9.9 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва маҳсулот реализация қилинди. Бу беш йилликнинг учинчи йили январь-август ойлари учун белгиланган мажбуриятдагидан бир мунча кўп демакдир.

1978 йилнинг январь — август ойлари кўрсаткичлари	Киров райони	Собир Раҳимов райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,0	103,0
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши	103,1	103,1
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	105,7	107,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	102,7	102,8
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	104,6	105,6
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	80,7	74,6
Планни бажармаган корхоналар:		
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	1	1
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	1	1
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процентларда)	101,5	102,0
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	107,1	100,2
Планни бажара олмади:		
— цехлар	2	4
— участкалар ва бригадалар	3	9
— ишчилар	360	97
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь— июль ойлари кўрсаткичлари. (процентларда)	88	78
Турар жойни фойдаланишга топшириш. 1978 йилнинг январь— июль ойлари кўрсаткичлари. (процентларда)	34	60

Хўжалик-иқтисодий фаолиятларининг анализ қилиниши шуни кўрсатмоқдаки, коллективларда бирорта қолоқ йўқ, кам маблағ сарфланиб, топшириқлар ортиғи билан адо этиляпти. Шунингдек, бу ерда зарур бўлган сифат кўрсаткичларига ҳам осонликча эришиляпти.

Районлардаги кўпгина корхоналар қолоқларсиз ишлашиб, кейинги вақтда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, шу жумладан давлат Сифат белгиси билан буюмлар тайёрлаш ҳажмини бир мунча оширишга муваффақ бўлдилар. Жумладан, «Технолог», «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўзбекэнергоремонт» корхонаси, тажриба пиллакашлик, кенг истеъмол буюмлари фабрикалари, керамзит заводи ва бошқа корхоналар ўтган йилнинг саккиз ойлик даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини 10 процент ва ундан зиёдга оширдилар. Шуни таъкидлаш керакки, ана шу муваффақиятга меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишни тўғри ташкил этишни такомиллаштириш, реконструкция ва янги қувватларни ишга тушириш туфайли эришилди.

Шу билан бирга яна бир бошқа нарсани айтиб ўтмоқ муҳимдир. Кўпгина меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига эътиборни кучайтирганликлари, технологияларни, барча меҳнат жараёнларини такомиллаштирганликлари туфайли саккиз ойлик маррага ишлаб чиқариш графигидан бир мунча ўзиб келдилар. «Технолог», «Тошкент» мебель, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Турист» маиший-ишлаб чиқариш комбинати, қурилиш саноати материаллари трестининг 1-ёғочни қайта ишлаш комбинати, тўқимачилик-галантерея, шойи йигирув-тажриба, Тошкент шаҳар маҳаллий саноатига қарашли кенг истеъмол буюмлари, кўн-галантерея буюмлари фабрикалари, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ва бошқа корхоналар буюмлар ишлаб чиқариш графигидан икки-уч ҳафта илгарилаб кетишди.

Жумладан, агрегат заводи, «Тошкент» мебель, тикувчилик бирлашмалари, бош кийимлар, ўйинчоқлар, «Ўртоқ» кондитер фабрикалари бир қатор буюмларини фахрли беш қиррали белгига аттестация қилиб. Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти ҳажмини бир мунча кўпайтиришга эришдилар.

Шу билан бирга мусобақадош районларда олтита цех, тўққизта участка ва бригада коллективи — бу 450 дан ортиқ ишчи демак, ойлик план-топшириқларини бажара олмади. Металл фурнитуралари заводида, металлни қайта ишлаш, қурилиш саноати материаллари, «Ўзбексельмаш» ишлаб чикариш бирлашмаларида ҳали ана шундай планни бажараолмаётган бригада ва участкалар бор.

Ишлаб чиқаришда ишнинг бир меъёрда ташкил этилмаганлиги ишчиларнинг маҳсулот сифатини таъминламасликка, техника қоидаларига нисбатан эътиборсиз бўлишларига олиб келади.

Буларнинг ҳаммаси брак ва нуқсонларини бартараф этиш учун ортиқча харажат қилишга, маҳсулот таннархини қимматлаштиришга олиб келади. Буни «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тамаки фабрикаси, 9-темир-бетон буюмлари заводи мисолида кўриш мумкин. Бу корхоналар план-топшириқларини бажаришни таъминлашса-да, аммо буюмлар ишлаб чиқариш учун ўн, юз минг сўмлаб материал маблағларни ортиқча сарфлаб юбордилар.

«Сафимизда бирорта қолоқ бўлмасин» — бу меҳнат коллективларининг жанговар шиори, давр талабидир. Бу ҳар бир меҳнат коллективида иш сифати ва самарадорлигини ошириш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида айтилган талабдир.

Олиматул БАНОТ

МАЪОШИРАТ ОДОБИ
ЎГАЙ ОНА ВА ЎГАЙ БОЛАЛАР ҲАҚИДА

Аёлларнинг ақлли ва ишбилармандликлари ўгай болаларни тарбиялашда маълум бўлади. Бундай аёл ўгай болаларга меҳрибонлик кўрсатади, онасининг ўрнини босишга ва ётлигини билдирмасликка уринади. Бу билан оиланинг ички тартибини изга солади, уруш-жанжал ва келишмовчилик чиқишининг олдини олади. Бундай оқила аёл ўзга хонадонга кириб келгач, тадбиркорлиги туфайли тинчлик ва тотувлик ўрнатиб олиб, ўзга аёллар ўзларининг асл фарзандларидан кўрмаган яхшиликни у ўгай фарзандларидан кўради. Шундай оқила аёллар борки, илгари асло тинчлик ва тотувлик бўлмаган, паришон оилага келиб, тартиб ўрнатади ва издан чиққан оила ишларини яна изига тушириб юборади. Бундай аёлларга эл раҳмат ўқийди ва бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади.

Бунинг аксича баъзи бир хотинлар ўгайлар орасига келиб тушгач, уларни менсимайди, ёмон кўради ва ўгайлигини билдиради. Тинч турган оилада нотинчлик барпо қилади, маҳалла-кўй бундай хотинни маломат қилиб, ёмон кўради. Унинг айблари ошкор бўла бошлайди. Натижада ундан эрининг ихлоси қайтади. Аёл ўгай болаларни менсимай катта қилар экан, болалар катта бўлгач, кўрган жафоларини унга қайтарадилар.

БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Болалар ота-она қўлида омонат нарса ҳисобланадилар. Шунинг учун улар ўз болаларини яхши одам қилиб тарбиялашга ва чиройли хулқ билан безатишга уринишлари шарт. Тарбия билан болани олтиндек бебаҳо қилиш мумкин. Тарбияга киришмай, балчиқ каби кераксиз қилиб қўйиш ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам аввало оналар кўпроқ сабабчи бўладилар.

Сиз ўйлаб кўринг, болаларни тарбиялаш учун аввало билим керак. Агар она билимсиз бўлса, у ҳолда нима бўлади?!

Болаларни ёшликдан тарбиялашга киришмоқ лозим. Чунки бу чоқда болалар ниҳолга ўхшайдилар. Уларни исталган томонга буриб юбориш мумкин. Болаларнинг хулқ-ахлоқини тузатишга жиддий киришиш лозим. Уларни тезжаҳл бўлмасликка, чидамли бўлишга ўргатилади.

Болаларни дўқ-пўписа билан қўрқитиш, қўрқинчли ҳикоялар билан ваҳимага солиш нотўғридир. Бундай қилинса болалар кечалари ўз сояларидан ҳам қўрқадиган бўлиб қолади. Ёлғиз ётолмайдилар, ётсалар ҳам ёмон тушлар кўришади.

Болаларнинг танлари тоза ва либослари озода бўлишига ва тирноқлари, сочларининг доим олиб турилишларига эътибор бериш зарур.

Болаларга овқатланаётганда ҳар томонга қийшайиб ўтирмасликни, бошқа тенгдошларига кўз, қош билан ҳар хил ишоралар қилмасликни, кийим-кечакларини ўйнаб ўтирмасликни, одамлар олаётган луқмага назар солмасликни, кишига ёки овқатга қараб аксирмасликни ўргатиш зарурдир.

Болаларнинг кўнглини топиш, уларга шафқатли бўлиш улуғларнинг хислатларидан ҳисобланади. Болаларни зеҳни очадиган ва хотирасини мустаҳкамлайдиган ўйинлар ўйнатишга жалб этилади. Уларнинг илм-маърифатли бўлишига диққат қилиш ота-онанинг бурчидир.

М. ҲАСАНОВ
тайёрлаган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Социализм мамлакатларида

ДЎСТЛИК САМАРАСИ

БЕРЛИН. Дрезден округидаги Баутцен шаҳрининг шимолий чеккасида бундан қарийб уч йил муқаддам «Темир-бетон плиталар заводи — герман-совет дўстлиги қурилиши» деган сўзлар ёзилган стенд пайдо бўлган эди. Ҳозир у ерда 25 гектардан кўпроқ майдонда заводнинг ёруғ корпуслари қад кўтарди. «Уйсозлик фабрикаси (ГДРда бу корхоналарни ана шундай деб аташади) тантанали суратда ишга туширилди. Завод йилига 3 минг квартира учун қурилиш блокларини тайёрлаб бера олади.

Асосий машина-ускуналар Совет Иттифоқидан етказиб берилди. СССРдан борган мутахассислар монтаж ва созлаш ишларида қатнашдилар. Зотан қурилишнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ объект «Дўстлик қурилиши» деб ном олганлиги тўла қонуниятли бир ҳолдир.

СССРдан олинган машина-ускуналар билан жиҳозланган янги завод ГДРда шундай типдаги бир қанча корхоналарнинг дастлабкисидир. Бошқа бир худди шундай «уйсозлик фабрикаси» Цвиккауда барпо этилмоқда, кейинчалик эса яна тўрттаси қурилади. Дўстлик туфайли бунёд этилаётган заводлар республикадаги ягона уйсозлик конвейерининг таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда республиканинг уйсозлик конвейери 49 корхонадан иборат.

ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАРИ

БУДАПЕШТ. Венгрияда анъанавий ёзги санъат фестивали тугади. Фестиваль мамлакатнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, санъат шинавандаларига машҳур қўшиқчилар, музикачилар, актёрлар, режиссёрлар билан кўпдан-кўп мароқли учрашувлар бахш этди.

Будапешт фестивалнинг маркази бўлди. Маргит оролидаги яшил театр саҳнасида кўрсатилган спектакллар ғоят манзур бўлди.

Фестиваль қадимий Сегед шаҳрида ҳам зўр муваффақият билан ўтди. Шаҳарда ҳозирги замон рассомчилиги, графикаси ва ҳайкалтарошлигига бағишланган йигирмадан кўпроқ виставка ташкил қилинди. Венгрия халқ усталари Сегедда ўз асарларини намойиш қилдилар.

К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко номли Москва Академик музика театрининг балет коллективи Будапешт ва Сегед саҳналарида ўз маҳоратини ғоят муваффақиятли намойиш қилди.

МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТ

БЕЛГРАД. Югославиянинг ҳозирги замон социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун «БЕЛЕ» агросаноат комбинатининг коллективи юксак мукофотга — Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлди.

Бараньянинг (Хорватия Республикаси) бепоён серҳосил ерларида Югославиядаги энг катта агросаноат комбинатларидан бирининг далалари ястаниб ётибди, фермалари ва фабрикалари қад кўтарган. Бу комбинат халқ ҳокимияти йиллари мобайнида юксак даражада автоматлаштирилган кўп тармоқли илғор қишлоқ хўжалик корхонасига айланди. Ҳозирги кунда унинг экинзорлари 28 минг гектарга боради. Комбинат далаларидан мўл ҳосил — гектаридан 65 центнерга қадар буғдой ва 87 центнерга қадар маккажўхори ҳосили олинмоқда. Комбинат қанд лавлаги, кунгабоқар ва бошқа экинлардан олинган ўзининг рекорд ҳосиллари билан ҳам машҳурдир.

«ВОЯНИ» ЭНЕРГЕТИКЛАРИГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

ПРАГА. Словакия Социалистик Республикасининг энг катта энергетика объекти — «Вояни» иссиқлик электростанциясининг коллективига олтинчи беш йилликнинг кўчма Қизил байроғи топширилди. Бу электростанция Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг «Мир» туташ энергетика системасига қўшилди. «Вояни» энергетиклари социалистик мусобақада эришган юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун шу мукофотга сазовор бўлдилар.

Иссиқлик электростанцияси халқ хўжалигига ўтган йили 6 миллиард киловатт-соат электр энергия, яъни Словакияда ҳосил қилинган бутун энергиянинг ярмидан кўпроғини берди.

1980 йилга бориб ЧССРда электр энергия ҳосил қилиш 77—79 миллиард киловатт соатга етади. Бунга мавжуд энергетика объектларида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, янги қувватларни, шу жумладан «Мельник-3» иссиқлик станциясида энергоблокни фойдаланишга топшириш йўли билан эришилади.

(ТАСС).

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

ДЕҲЛИ. Тўхтовсиз давом этган жала ва ёмғирлар туфайли содир бўлган тошқинлар натижасида Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида салкам 640 киши ҳалок бўлди. 14.5 миллион аҳоли табиий офатдан зарар кўрди. Кўпгина районларда электр линиялари, телефон алоқаси узилган, автомобиль ва темир йўллар ювиб кетилган, кўприклар бузилган. Тошиб кетган дарёлар 400 мингдан кўпроқ уйни вайрон этган, 2,5 миллион гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинзорларини батамом йўқ қилган.

(ТАСС).

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

ПАРИЖ. Парижидаги «Пигмалион» нашриётининг директори Жерар Ватле ТАСС мухбири билан суҳбатда: биз Францияда совет авторларининг китобларини ва СССРда француз адибларининг асарларини нашр этиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз, деди. У яқинда Москвадан қайтиб келди. Жерар Ватле бу ерда авторлик ҳуқуқлари Бутуниттифоқ агентлиги билан музокаралар олиб борди.

Ж. Ватле таъкидлаб ўтганидек, ўзи бошчилик қилаётган фирма рус ва совет адабиёти бўлимини ташкил қилишни режалаштирмоқда. Бу бўлимнинг яқин вақтга мўлжалланган планларида француз китобхонларини Ю. Ритхэу, А. Борщаговский ва бошқа совет авторларининг романлари билан таништириш кўзда тутилади.

Ж. Ватле нашриёт совет Қуролли Кучларининг тарихига оид китобларни ҳам нашр этиш ниятида эканлигини айтди: бу мавзуга шу боисдан қизиқиш каттаки, деди у, иккинчи жаҳон уруши йилларида биз иттифоқчи бўлдик. «Нормандия — Неман» полкининг учувчилари совет учувчилари билан бирга жанг қилдилар.

Рус санъати, совет музейлари тўғрисида, жумладан Кремль тарихи ҳақида китоблар нашр этиш мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан Франция билан СССР ўртасида бир-бирларига туристлар юбориб туриш кенгайиб бормоқда. СССР бўйлаб суратли йўл кўрсаткичини чоп қилиш кўзда тутилмоқда.

(ТАСС).

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ВА ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ.
ЯПОНИЯ. Суратда: Нагасаки шаҳридаги ядро портлаши қурбонлари паркида ўрнатилган ўн метрли бронзадан ясалган тинчлик ҳайкали.
ТАСС фотохроникаси.

ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

«Ўзбекфильм» киностудияси билан Ҳиндистоннинг «Игл филмз» кинофирмаси ҳамкорлигида «1001 кеча» эртаги асосида «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильми суратга олинмоқда.

Икки серияли, рангли кенг экранли бу лента реалистик эртак жанрида бўлиб, яхшиликнинг очкўзлик ва маккорлик устидан ғалабасини мадҳ этади.

СУРАТЛАРДА: чапда — Мустафа — Арманистон ССР халқ артисти Фрунзик Мкртчан, Моржина — артистка Хема Малини (Ҳиндистон) ва Алибобо — артист Дармендра (Ҳиндистон); ўнгда — артистка Зинат Аман (Ҳиндистон) Фотима ролида.

А. Горонрик фотоси.

(ЎзТАГ).

ШИМОЛ АҲОЛИСИ УЧУН

«Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси РСФСР шаҳарлари ва посёлкаларига шартномадаги мажбуриятга қўшимча равишда дастлабки минг тонна сабзавотни жўнатди. Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ, Чекка Шимол аҳолиси йил бошидан буён 8,1 минг тонна карам, помидор, пиёз, кўкат олди. Ихтисослаштирилган совхозларнинг деҳқонлари мўл ҳосил етиштириб, уни йиғиштириб олишни аниқ ташкил этдилар.

Бирлашма хўжаликлари олма, нок, шафтоли, узумни ҳам тез суръатлар билан йиғиштириб олиб, жўнатмоқдалар. Фарғона водийси, Бухоро воҳаси, Жиззах даштларидаги саноат негизига кўчирилган экинзорларда мева ва узумнинг янги навларини жўнатиш кўпайтирилди. Махсулот етказиб бериладиган ерларнинг географияси ҳам кенгайди. Ўтган йилдагига нисбатан анча кўп —76 минг тонна сабзавот, мева, узум жўнатиш мўлжалланмоқда.

ЧОРТОҚНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ

Чортоқ курортида, шифобахш минерал сув чиқадиган қудуқлардан бирининг ёнида юз ўринли физиотерапевтика касалхонаси биноларининг комплекси қад кўтарди. Беморлар ярқираб турган кафелли ванна бўлимидан, электр билан даволаниш кабинетларидан, қулай палаталардан фойдалана оладилар. Бир қанча палаталар Улуғ Ватан уруши инвалидларига ажратиб берилган. Яқин орада касалхонанинг иккинчи навбати — олтмиш ўринли бинони барпо этишга киришилади.

Чортоқ курорти республикада ва ундан ташқарида тобора машҳур бўлмоқда. Бу йилги мавсумда курортда бир пайтнинг ўзида бир ярим минг киши даволанди. Ўрта Осиёнинг турли районларидан, шунингдек Урал, Сибирдан келган беморлар маҳаллий манбаларнинг ажойиб хусусиятларига юксак баҳо бермоқдалар. Чортоқ суви кўпгина беморларнинг дардига шифо берди.

Чортоқ бинокорларининг ишлари кейинги йилларда анча кўпайди. Боғнинг ўртасида ётоқхона корпуслари, клуб биноси қад кўтарди. Ёзлик корпус қурилмоқда. Келгусида меҳмонхона қурилади.

(ЎзТАГ).

СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧА

ФЕЛЬЕТОН

БУНИ қаранг, дунёда ҳали ҳам ажойиботлар бўлар экан. Шотландия кўлидаги даҳшатли маҳлуқ эмас, кечалари осмонда учиб юрадиган тарелкалар ҳам эмас, кўринмас қалпокча деган нарса бор экан. Уни кийиб олдингизми, тамом, одамлар кўзидан ғойиб бўласиз, қоласиз. Бемалол яшайверасиз, маош олаверасиз. Фақат ҳеч ким сизни кўрмайди.

Қадимги эртакларда бунақа қалпокча дунёда битта бўлади, дейилган эди. Жудаям унчалик эмас экан. Бунақа қалпоқлардан бемалол ишлаб чиқарса бўларкан. Масалан, «Главстройиндустрия»га қарашли Тошкентдаги 1-тажриба экспериментал-механика заводида кўринмас қалпоқ бемалол ишлаб чиқариляпти. Тўғри, ҳозирча уни синовдан ўтказишяпти. Заводнинг ўзида синаб кўришди. Бунақа қалпоқ корхонада анча ишлаган раҳбарларга хуш ёқадиган одамларга берилади. Айниқса пенсияга чиқай деб турганлар унга жуда ишқибоз.

Кўринмас қалпоқнинг тўнғич нусхасини марказий омбор мудири Д. Сиркис кийиб кўрди. Завод раҳбарлиги бу ҳақда шундай буйруқ берди. «Фалончига кўринмас қалпоқ кийгизиб комплектлаш бўлимига юкчи-такелажчи қилиб ишбай ҳақ билан ўтказилсин».

Сиркис кўринмас қалпоқчани кийиб олди-ю, юкчи бўлиб ишлайверди. Буни қаранг, девдай йигитлар қилолмайдиган ишни 60 га киришига етти ойгина қолган қария боплаб бажараверди. Ҳарқалай сеҳрли қалпокча ёрдам берган-да! Мастер Нагаев, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг мудири Балдина унга йўғон-йўғон ҳақ ёзиб беравеpишди. Мана ўша ёзувлардан баъзилари, «Автомашинага 250 тонна металл ортди». «50 тонна юкни тушириб, тахлаб қўйди». «100 тонна хом ашёни ортишга тайёрлаб қўйди». Шунча иш қилган одам ойига 320—340 сўмдан маош олмай ўлибдими! Омборда ҳам 130 сўм маош билан юрган эди-да!

Сиркис зарбдорларча ишлаб юраверди. Тўғри, бунақа пайтда у кўринмас қалпокчани кийиб оларди. Шунинг учун юк ортиш майдонида етти нафар юкчидан биронтаси уни кўргани йўқ. Лекин Сиркисни ўз иш жойида омборда ҳар куни кўриб туришарди. Бу ерда у сеҳрли қалпокчани ечиб қўйиб, бемалол ишлар, келган одамларга омбордан керакли нарсаларни ёзиб берарди.

Шундай қилиб, у 60 ёшга етиб олгунча зўр ғайрат билан ишлади. Куйбишев район ижроия комитети ҳужжатларни кўриб чиқиб унга ойига 120 сўм пенсия тайинлади. Чунки Сиркиснинг кейинги бир йил мобайнидаги маоши катта эди-да!

Ветераннинг юбилейига раҳбарлар яна янги буйруқ чиқаришди. «Фалончига янги қалпокча берилсин». Шундай қилиб, у яна омборга, осонроқ ишга, комплектловчи слесарь бўлиб ўтди. Энди у ойига 150—160 сўм маош, юз фоиз пенсиясини ва яна 30 фоиз мукофот ҳақини куртдек санаб олаверди.

Бунақа яхшиликни ҳеч кимга отаси ҳам қилмайди. Сиркис раҳбарларнинг яхшилигини унутмади. Кўринмас қалпокчани кийиб олиб, ғайрат билан ишлайверди. Албатта, у омборчиликни ҳам унутмади. Эртадан кечгача одамларга юк тарқатди. Лекин слесарлик ишини қилаётганини биронта тирик жон кўрмади. Чамаси у слесарлик қилаётганида яна сеҳрли қалпокчани кийиб олган бўлса керак.

Бу пайтда завод яна бир қалпокча чиқарди. Энди бу ишда кадрлар бўлимининг бошлиғи Т. Злотник фаол қатнашди. У қалпоқни бошқаларга эмас ўзига мўлжаллаб тикди. Ҳали пенсияга кетишига уч йил бор эди. Олдинроқ кийсам нима бўпти, деди-ю сеҳрли қалпоқни бостириб кийиб олди. Буни қаранг, қалпоқ дарров кучини кўрсатди. Злотник Донецкда туғилган эди. Бечора шунча йилдан буён қачон туғилганини билмай юраркан. Ўша ердан фалончи олдинги ҳужжатларда кўрсатилганидан роппа-роса уч йил илгари туғилган деган қоғоз келди. Шундай қилиб, у дарров янги лавозимга ўтиб қўя қолди. Уни кадрларни тайёрлаш бўйича катта мастер қилишди. Маоши ўша-ўша — 160 сўм. Аммо энди у хизматчи эмас, ишчи бўлиб олди. Маълумки, ишчи одам пенсия ҳам, ойлик ҳам олиши мумкин. Қарабсизки, Злотник нафақа-пафақаси билан қўшиб салкам 300 сўмдан пул оладиган бўлиб қолди. Аслида эса кадрлар бўлимига бошлиқ бўлиб ишлайверди. Катта мастерлик қилганида эса сеҳрли қалпокчани кийиб оладиган бўлди.

Қани, айтинг-чи, дунёда бундан ортиқ ажойибот бўладими? Баъзи раҳбарлар бунақа қалпокчани ҳавас қилишлари мумкин. Лекин тажриба ўтказиш хатарли нарса, Бунақа тажрибани қилгандан қилмаган яхши. Негаки сеҳрли қалпоқлар давлатга жуда қимматга тушади. Битта сеҳрли қалпоқнинг ўрнига ўнлаб ондатра қалпоқ олса бўлади. Сеҳрли қалпоқни ўзи кийишними, бировга кийгизишними мўлжаллаган раҳбарлар эҳтиёт бўлсин. Тағин ўзининг бошидаги қалпоғи учиб кетмасин.

А. ТЮРИКОВ.

ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИДА

ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Миллионлаб спорт мухлисларидан тортиб мутахассисларнинг нигоҳлари шу кунларда Тошкентга қаратилган. Бу ерда йилимизнинг улкан спорт анжумани — ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси мусобақалари давом этмоқда. Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар зерикиш нималигини билмай қолишди. Чунки мусобақалар кун бўйи давом этмоқда — бири ниҳоясига етиши билан иккинчиси бошланяпти.

СУЗИШ

ЮТУҚ ВА НУҚСОНЛАР

Спартакиада программасидаги сузиш мусобақалари ниҳоясига етди. Тошкент армия спорт клубининг беш кун давомида гавжум бўлиб турган сузиш ҳавзасига бугун сокинлик чўкди. Бироқ, мусобақаларнинг бевосита гувоҳи бўлган протоколлар ҳамон мутахассисларнинг диққат-эътиборида. Улар ҳар бир натижани синчковлик билан ўрганиб чиқмоқдалар, зеро спартакиаданинг «Олимпиадачилар орамизда» шиори ана шунга даъват этади.

Бугунги ўқувчи — спортчидан эртанги кун олимпиадачиси чиқиши табиий. Илгаридан шундай бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Мисол учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Барча машҳур спортчиларнинг илк стартлари ўқувчилар спартакиадасида бўлган. Брасс усулида сузиш бўйича жаҳон рекордчиси Галина Прозуменщикова, тошкентлик «олтин балиқчалар» Светлана Бабанина, Наталья Устинова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сузиш мусобақаларига қизиқишнинг катталигини яна бир нарса билан изоҳлаш мумкин. Хабарингиз бор, яқинда Германия Федератив Республикасининг Майндаги Франкфурт шаҳрида сузиш бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Мазкур биринчиликда Совет Иттифоқи сузувчилари жуда муваффақиятли қатнашиб қатор жаҳон ва Европа рекордларини ўрнатдилар. Улар орасида ленинградлик мактаб ўқувчиси Юлия Богданова ва вильнюслик ўқувчи Лина Качюшителар бор эди. Бу икки қизнинг 100 ва 200 метрга брасс усулида сузиш бўйича қўлга киритган ғалабалари мамлакатимиз ўқувчилари ўртасида сузиш тез суръатлар билан ривожланаётганини исботлади. Худди шу нуқтаи назардан олиб қараганда Тошкент стартлари мутахассисларга жуда кўп янги номларни ҳадя қилди. Бу хусусда СССР спорткомитетининг сузиш бўйича бош тренери Н. Калчановнинг фикри шундай:

— Мен ўқувчиларнинг сўнгги учта спартакиадасида иштирок этдим. Тан олишим керак. Тошкентдагидек ҳаяжонга бой баҳсларни биринчи марта кўриб турибман. Бунга менимча иккита сабаб бор: биринчидан, мусобақаларда жаҳон чемпионати қатнашчилари иштирок эта олмадилар. Бу эса тренерларда, спортчиларда ўзларини кўрсатиш истагини туғдирди. Иккинчидан, мусобақалар бирмунча кеч ўтказилди. Бу баҳсларга астойдил тайёрланиш имконини берди.

Агар мендан спартакиаданинг ҳақиқий қаҳрамонлари кимлар деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан бешта олтин медални қўлга киритган киевлик Ирина Орлюк, ленинградлик Р. Абдужелишвили, волгоградлик О. Комиссарова, тошкентлик С. Вашкевич ва А. Хлупинларнинг номларини айтган бўлардим.

Бу йилги спартакиада беллашувларида Украина терма командаси ажойиб ғалабага эришди. У умумий якунда 1782 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин РСФСР вакилларига, учинчи ўрин Москва сузувчиларига насиб этди.

Мазкур спартакиадада республикамиз терма командаси қўлга киритган натижа ҳали батафсил таҳлил қилиниши турган гап. Чунки команда ўтган спартакиада натижасини бир поғонага яхшилади — 643 очко тўплаб олтинчи ўринни эгаллади. Бироқ, шу билан бирга аввалги спартакиадалардан фарқли ўлароқ, сузувчиларимиздан бирортаси ҳам биринчи ўринни эгаллай олмади. Бу билан терма командамиз лаёқатсиз спортчилардан тузилган, деган фикр билдирмоқчи эмасмиз. Йўқ. сузиш мусобақаларини кузатиб республикамиз вакилларини ғалаба учун интилишда айблаш қийин. Улар сузиш ҳавзасининг ҳар бир метрида команда шарафи учун курашадилар. Елена Холманская ана шундай спортчилардан бири. У мусобақанинг биринчи кунида 200 метр масофага чалқанча усул билан сузишда 2 минут 26.4 секунд натижа билан бронза медалини олган бўлса, эртасига худди шундай усул билан 100 метрга сузишда маррага яна учинчи бўлиб келди. Республикамиз терма командасининг яна бир вакили Светлана Вашкевични олиб кўрайлик. Мусобақанинг биринчи кунида у 200 метрга брасс усулида сузиш бўйича финалда қатнашиш ҳуқуқи учун қўшимча сузишда иштирок этди. Ғалаба учун бор кучини сарфлаб чиқди ва финал турнирда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Финал сузишларида у маррага бешинчи бўлиб келди. Биринчи кунги мусобақада орттирган тажрибаси эртасига унга омад келтирди. Светлана 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Командага иккита бронза медали келтирган Александр Агибалов ютуғи ҳам мақтовга сазовор.

Спартакиада беллашувлари, энг аввало, маҳорат мактабидир. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Чунки, ёшлар тенгдошлари билан олишувларда нималарга қодир бўлсалар шуни намойиш қиладилар. Шу жиҳатдан сузувчилар эришган натижалар ҳарактерлидир. Армия спорт клубининг сузиш ҳавзасидаги қизғин баҳсларда 288 спортчи биринчи бор мастерлик нормасини бажарди. Республикамиз вакилларидан Л. Паршина, Л. Гнеденко, Г. Каткова, И. Евременко, Т. Назарова, М. Белоконь, Т. Некрасова, В. Горбуновлар ана шундай фахрли унвонга сазовор бўлдилар.

Сузувчиларнинг баҳслари ниҳоясига етди. Унга қисман якун ясайдиган бўлсак, республикамизнинг ёш сузувчилари ўз имкониятлари даражасида қатнаша олмаганликларини таъкидлаш керак. Агар мусобақалар Тошкентда ўтганини, айрим спортчиларимизнинг техник натижаларини ҳисобга оладиган бўлсак — олтинчи ўрин қониқарли эмас. Ҳолбуки, Ўзбекистон сузувчилари бундан яхшироқ натижага ҳам эришган эдилар. Бу 1969 йилда Ереванда ўтказилган XI спартакиадада бўлган эди. Ўшанда командамиз умумий ҳисобда тўртинчи ўринни эгаллаган эди. Орадан тўққиз йил ўтсада, биз ўша даражага ета олмаяпмиз.

Турғунликнинг сабаблари кўп. Энг муҳими спортчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигидир. Спортчилар машғулотларга лоқайдлик билан қарашгани, кураш олиб бориш техникаси ва тактикасини билмасликлари мусобақалар давомида кўзга яққол ташланади. Худди шу каби тренерларимизнинг сузишдаги энг сўнгги ютуқларни иш жараёнида жорий эта олмасликлари, ўз касбларига бефарқлик билан қараганликлари фақат ўқувчи-спортчилар натижаларида эмас, балки умуман республикамиз сузувчилари натижаларида кўзга ташланиб турибди. Худди шу сабабли ҳам биз янги Бабанина, Устинова, Коновларни тайёрлай олмаяпмиз.

Т. ЎРИНБОЕВ.

▲ ҚИЛИЧБОЗЛИК

ИРОДА ТУФАЙЛИ

«Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакили тошкентлик Игорь Рихтер финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини жуда катта қийинчилик билан қўлга киритди. Унинг командадошларидан кўплари дастлабки босқич мусобақаларидаёқ мағлубиятга учрашди.

Шундан кейин кутилмаган ҳодиса юз берди. Рақиб билан бўлган беллашувларда у моҳирлик ва чаққонлик билан ҳаракат қилиб, кутилмаганда зарба бера бошлади. Мусобақалар орасидаги фурсат узайганлиги ҳам унга қўл келганлигини таъкидлаш керак.

Уни яна «жанг майдонига» чақиришди. Рақиби маҳоратли спортчи Грузия ССР терма командасининг вакили Аицаури эди. Судья, бир неча марта олимпиада чемпиони ленинградлик Э. Винокуров спортчиларнинг қуролларини кўздан кечириб чиқди. Уларга зарур бўлган маслаҳатни берди. Шундан кейин баҳс бошланди.

— Ҳимояга асосий эътибор бермасдан дадил ҳужумга ўтиш керак, — унинг хотирасида беллашув олдидан устози айтган маслаҳатлар жонланди. — Энг асосийси тез ҳаракат қилиш керак. Ёлғон ҳаракатлар билан рақибни шоширib қўйиш, ташаббусни қўлда ушлаб туришга ҳаракат қилиш керак».

Тўғрисини айтганда, Игорь ўзини ўзи танимай қолди. У жуда эркин ҳаракат қилар эди. Ҳисоб ҳам тенг эди. Шунга қарамасдан у ҳаяжонланмади. Ҳатто 9:5 ҳисобида грузиялик қиличбоз олдинга чиқиб олганда ҳам ўзини йўқотмади.

Судьянинг ишораси билан спортчилар яна орани очиқ қилишга киришдилар. Ҳар икки қиличбоз бир-бирига шиддатли ҳужум қилишарди. Бироқ энди Игорнинг электроаппаратидаги чироқ ёнмай қўйди. Грузиялик спортчилар шодлана бошлашди. Шу пайт судья Игорнинг олдига келиб унинг шамширини текшириб кўрди ва унга рақиби томонидан етказилган жароҳатларни бекор деб ҳисоблади. Чунки Рихтернинг шамшири созланмаган эди. Шундан кейин баҳс яна жиддий тус олди.

Ҳал қилувчи беллашув узоқ давом этди. Энди Игорь ғалабани кўзлаб, ҳаракат қила бошлади. Аммо у аввалги учрашувда жуда кўп имкониятларни бой бериб қўйган эди. Ҳисоб 9:8 бўлганидан кейин Аицаурини икки метрли масофага қўйишди. Энди у ҳужум қилиш имконига эга эмас. Бу қулай фурсатдан Игорь фойдалана оладими ёки йўқ?

Игорь ҳужумга тайёр. У ёлғон ҳаракат билан рақибини шошириб қўйди. Лекин навбатдаги муваффақиятсиз чиққан ҳужумлардан бири пайтида у қарши ҳужумга дуч келди.

Ниҳоятда кескин вазиятда ўтган бу учрашувда ҳамшаҳаримиз мағлуб бўлганига қарамасдан, 14-ўринни олишга муваффақ бўлди. У ўз командаси жамғармасига энг зарур бўлган уч очко қўшди.

Финал учрашувларидан кейин ғолиблар қуйидаги тартибда жойлашишди. Н. Мартинов (РСФСР), А. Клюшин (РСФСР), В. Аицаурин (Грузия ССР), Г. Гелашвили (Грузия ССР), С. Баблинидра (Украина ССР), И. Жигун (РСФСР).

Тошкентдаги 145-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Т. Березина қиличбозлик мусобақаларида яхши қатнашмоқда.

◆ ЧЕМПИОН БИЛАН СУҲБАТ

ҒАЛАБА ЙЎЛИ

Коля Мартинов ленинградлик рапирачи билан беллашувда анча ҳаяжонланди. Улар ўртасида ғолиблик учун қўшимча учрашув белгиланган эди. А. Клюшин ғолиб чиқди. Шундан кейин мухбиримиз унга яқинлашди.

— Коля, ҳозир сиз спартакиададаги ҳал қилувчи беллашувда иштирок этдингиз. Сиз жуда ҳориган, бор куч ва имкониятларингизни ишга солган бўлсангиз керак. Шундай эмасми?

— Тўғрисини айтганда жуда ҳоридим. Ғалаба ҳамиша қийинчилик билан қўлга киритилади.

— Аввал ҳам финал учрашувларида қатнашган эдингизми?

— Йўқ. Авваллари менга финал мусобақаларида қатнашиш насиб этмаган эди.

— Маҳоратингиз ошиб бораётганлиги учун кимга миннатдорчилик билдиришингиз керак?

— Албатта, устозим Надежда Федоровна Даниловага. Олти йилдан буён марказий армия спорт клубида шу меҳрибон аёл раҳбарлигида машқ қиляпман.

— Демак, сиз москваликмисиз?

— Москвадаги 7-мактабнинг 10 «А» синфида ўқийман.

— Сиз рапира бўйича ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиқиб, ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XV спартакиадасининг чемпиони бўлдингиз. Сизни ҳамма ғалаба билан табрикляпти. Иложи бўлса мусобақаларга қадар устозингиз Надежда Федоровна нечанчи ўринни мўлжаллаб баҳс олиб боришни маслаҳат берганлигини айтиб берсангиз.

— Тўғрисини айтганда, фақат устозимгина эмас, командадошларим ҳам менга катта ишонч билдиришганди. Тошкентга жўнашимиздан олдин комсомол йиғилиши бўлди. Унда Надежда Федоровна ва комсомол ташкилотимизнинг секретари Юра Селезневлар сўзга чиқишиб шундай дейишди. «Ҳаракат қил, Коля. Биз сенга ишонамиз». Улар қайси ўринни назарда тутаётганликларини тушунмадим. Лекин нима бўлганда ҳам фақат ғалаба учун курашишим лозимлигини юрагимга тугиб олгандим.

— Ўрта мактабни тугатганингиздан кейин ҳам спорт билан шуғулланасизми?

— Ҳа. Қиличбозлик билан бир умр шуғулланиш ниятим бор.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

Китобсеварлар диққатига!

СИЗНИНГ КУТУБХОНАЛАРИНГИЗДА ШУБҲАСИЗ, ФОЙДАЛАНИЛМАЙ ЁТГАН КИТОБЛАР МАВЖУД.

«ТАШКНИГА»нинг букинистик магазинлари (бўлимлари) **янги прейскурант баҳоларда**

СИЗЛАРДАН ҚИММАТБАҲО КИТОБЛАР

СОТИБ ОЛАДИ

МАГАЗИНЛАР СИЗЛАРДАН БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР, ТЕХНИКА, ИЛМИЙ КИТОБЛАРНИ, МЕЪМУАРЛАР, САНЪАТГА ОИД КИТОБЛАР, ЖУРНАЛЛАР, ОШИРИЛГАН БАҲОЛАРДА ЭСА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ОБУНА НАШРЛАРИНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАРХ КОМИТЕТИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН ЯНГИ НАРХЛАРДА ОШИРИЛГАН БАҲОЛАРДА СОТИБ ОЛАДИ.

1961—1974 йилларда чоп этилган совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедиялар ва луғат нашрларига харидорлар ўртасида талаб катта бўлганлиги учун уларга нашр баҳосидан икки ҳиссахарид нархи қўйилади. Фақат прейскурант каталогига киритилган китоблардан ташқари. Китоб ва журналларни белгиланган баҳоларда сотишда гумон туғилса, улар комиссияга қабул қилинади.

Китоб топшираётган вақтда ёнингизда паспорт бўлиши лозим.

КИТОБ СОТИШ ҚОИДАЛАРИ БИЛАН СИЗ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН:

13 — Навоий кўчаси, 16-уй.
31 — Навоий кўчаси («Дўстлик» меҳмонхонасининг қаршисида).
1 — Пушкин кўчаси, Марказ — 1, 6-корпус. Телефон 33-37-27.
4 — Привокзальная кўчаси, 1-2уй. Телефон 39-28-03.
9 — Новомосковская кўчаси, 31-уй. Телефон 35-35-25.
16 — Гагарин кўчаси, 66-уй. Телефон 77-14-71.
18 — Сергели шаҳри, 9-квартал, 59-уй. Телефон 53-88-35.
23 — Чилонзор массиви, 23-квартал, Фарҳод кўчаси, 58-уй.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/IX да **Анна Каренина**, 16/IX да **Пиковая дама**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/IX да **Олифта**, 16/IX да **Олифта**, 17/IX да **Тошкентнинг нозанин маликаси**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IX да **Тинмасин соз**, 16/IX да **Ҳаммомга бало борми?** (19.00).

КИНО

15, 16 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ КИНОДА

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Санъат саройи.**

«ПАРИЖ КОММУНАСИДАН ОКТЯБРГАЧА» — **Қозоғистон.**

«ВАТАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ҒАЛАБАГА ЎН ТЎҚҚИЗ ОЙ ҚОЛГАНДА» — **Пионер.**

«ВЛКСМНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ СЪЕЗДИДА» — **Комсомол 30 йиллиги.**

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — **Чайка.**

«ЁЗ КЕЛДИ» — **Тинчлик.**

«ОСМОНГА ФАҚАТ ЭНГ ЯХШИ УЧУВЧИЛАР» — **Москва, Дружба.**

«БИЗ ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИМИЗ» — **Москва.**

«БЕПАРВОЛИК» — **Москва, Дружба, Қозоғистон.**

«ОЛИС ДУНЁ САДОСИ» — **Лисунов номли.**

«ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ», — **Мир.**

«ЭМИССАРЛАР» — **Восток.**

«ҒАЛАТИ АЁЛ» — **Қозоғистон, Дружба, Ўзбекистон 25 йиллиги, Ҳамза номли.**

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — **Санъат саройи, Лисунов номли.**

«ҲАЁТГА ҚАЙТИШ» — **Навоий номли.**

«ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ» — **Кўкча.**

«ТИНЧ ОКЕАН ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Комсомол 30 йиллиги, Билимлар уйи.**

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» — **Пионер.**

«ХЎРЛАНГАН» — **Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Нукус, Дружба, Қозоғистон, Восток, Москва.**

ЁЗГИ КИНОДА

«ХЎРЛАНГАН» — **Фестиваль.**

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Чайка, Москва, Қозоғистон, Янгиобод, Дружба, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Нукус, Ғунча, Пионер, Восток, Лисунов номли, Комсомол 30 йиллиги.**

«ҚОМПРЕССОР» ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
138-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
1978 — 79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: токарь, фрезерчи, газ-электр пайвандчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, йиғув-слесарь, хрусталь ва шиша буюмларга сайқал берувчи.

Ўқиш муддати — 1—3 йил (ёши ва танлаган мутахассислигига боғлиқ).

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги тошкентлик йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битириб чиққанлар ўрганган ихтисоси бўйича аттестат ва ўрта маълумот тўғрисида аттестат оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентн билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан юбориладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формали медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 98-уй (14, 43, 56-автобус, 7, 10-троллейбусларнинг «Қизил партизан» бекати). Телефонлар: 48-27-57, 48-96-84.

БУ — ДОНО ЎЙИНЧОҚ

Ўйинчоқлар болаларга жуда зарур эканини ҳамма билади.

Ўйинчоқлар болаларни қувонтиради, ўқитади, тарбиялайди, фантазиясини ўстиради...

Кубиклардан бола ўрмон кулбаси ясайди, Гўё унинг назарида айёр тулки жойлашиб олади. Авиаконструктордан эса болалар самолёт ясашади. Самосвалда эса узоқ қурилишларга қум ташишади... Бола катта бўлганида ким бўлишдан қатъий назар,— шофёрми ё конструктор, ўқитувчими ё синовчи-учувчими, барибир ақлли, саҳий ва қувноқ ўйинчоқсиз киши вояга етмайди.

ОТА-ОНАЛАР! БИЗ СИЗЛАРНИ
«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИДА
20 СЕНТЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН
БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИНИНГ
САВДО-КЎРГАЗМАСИГА
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Бу ерда кичик ёшдаги болалар учун жуда кўп ўйинчоқлар мавжуд.

Ўйинчоқлар секцияларида сизларга «Ташигрушка» фабрикаси ва Тошкент пластмасса буюмлари заводи ишлаб чиқарган маҳсулотларни таклиф этишади.

Бу ўйинчоқлар полиэтилендан ясалган: мана улар: кубиклар, пақирчалар, корзинкачалар, кеглилар, лесовоз, ракетавоз, самосвал, айиқчалар, бегемот, кубикли хўтикчалар, чебурашка, айиқ, кучукчалар — Шарик, Буська, Тяпа, Дружок; кичкинтой пластмассали қўғирчоқлар — сепли Света, юрувчи қўғирчоқ, Лена почтальон, Гулнора (миллий кийимда), авиаконструктор, қум ўйнаш набори, чой сервизи, ошхона сервизи, ўрдакча Лейка, автомат пистолет; полихлорвинилдан ишланган дам бериладиган ҳар хил размердаги коптоклар, думалоқ қайиқ, самолёт, матрёшка флотчи-мушукча, шунингдек, совға қўғирчоқлари: Гулжамол, Зумрад, Тўлғаной, Темур ва бошқалар.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.
ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Москва ва москваликлар». 17.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали». 18.10 «Қаҳрамон-шаҳар Новороссийск». Ҳужжатли фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 «Узоқ Шарқ илмий маркази». 4-кўрсатув. Вулканология институти. 19.30 «1978 йил қўшиқлари». 20.00 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й). Пленуми қарорлари—ҳаётга!». 20.15 «Қаерда эдинг, Одиссей?». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 23.30 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Бугун—туғилган кун», «Дарё қароқчилари». Болалар учун мультфильмлар. 18.25 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.55 «Партия ходими минбари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.30 «Актёрлар ва роллар». Т. Мўминов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Хоразм музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!» «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.15 «Гайдуклар». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

ШАНБА — 16 СЕНТЯБРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.25 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.35 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». СССР Бадиий Академиясида Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган кўргазма. 12.35 «Москвичка». Телевизион клуб. 13.35 «Ердаги инсон». Ҳужжатли фильм премьераси. 14.25 «Спортлото» тиражи. 14.40 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 15.25 Болалар учун. «Ўрмон паҳлавони ҳақида қисса». Бадиий фильм. 16.40 «Музикали абонемент». В. Моцартнинг камер ижоди. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.30 СССР халқ артисти И. Петров ижросида Н. Римский-Корсаков романслари. 19.45 «Чин қалбдан». Каменец-Подольск шаҳар меҳнаткашлари билан учрашув. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Бир оперетта куйлари». Телевизион спектакль премьераси. П. Абрахамнинг «Савой»да зиёфат» музикали комедияси асосида. 23.35 «Ирина Родниканинг ўнинчи чўққиси». Ҳужжатли фильм. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Шу куннинг қўшиқлари». Концерт. 10.50 Телевизион миниатюралар театри. 11.30 «Нафосат оламида». «Ўзбекистоннинг қадимий санъати» (рус.). 12.00 «Инсон ва қонун». 12.30 «Шеърият мухлислирига». 12.50 «Бронза қуш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 13.55 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 14.25 «Кинокўзгудаги ҳаёт» (рус.). 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун мультфильм. 17.45 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Ота-оналар университети». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Назм ва наво». Огаҳий лирикаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ижод саҳифалари». Раҳмат Файзий туғилган кунининг 60 йиллигига. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Туркистонда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тўғрисидаги ленинча декретнинг 60 йиллигига» Марказий телевидение ва Ўзбекистон телевидениеси студиялари тайёрлаган кўрсатув. 22.45 «Мукофот». Бадиий фильм. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

16.40 Кўрсатувлар программаси. 16.45 Болалар учун концерт. 17.05 «Кинокамера билан саёҳат». 18.05 «Новости» информацион программаси. 18.20 «Партия турмуши». 18.45 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.30 Москва. СССР халқ артисти И. Петров ижросида Н. Римский-Корсаков романслари. 19.45 Москва. «Чин қалбдан». Каменец-Подольск шаҳар меҳнаткашлари билан учрашув. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Концерт. 22.40 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
15 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти 41; ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, 38-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р. 13176.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1408.